

Чув тушган уста



11:00 / 03.02.2021 3315

У чиндан ҳам ўз ишининг устаси эди. Аммо оиласи катталашиб, эҳтиёжи ортиб боргани касбини ўзгартириши кераклигини ўйлаб қолди. Ишлаб турган жойидан бўшаса, қўлига каттагина пул тегади, бирор бошқа нарса бошлаши мумкин. Шуларни ўйлаб, ёши катта бўлиб қолгани, энди уй қуриш оғир келишини айтиб, ишдан бўшамоқчилигини билдирганида бошлиғи бир шарт билан рози бўлди: «Менга кетишингиздан аввал яна бир яхшилик қиласиз – мана шу режага асосан уй қуриб берасиз».

«Майли», деди уста ва ишга киришди. Аммо, қанча уринмасин, олдингалари сингари шавқ, меҳр билан ишлолмади. Бошқа пайт бўлса энг сифатли маҳсулотлардан фойдаланган бўларди, бироқ... Хуллас, «Мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида қуриб, битказди уйни.

Бошлиқ уйни кўргани келди ва қўлидаги калитни тутқазди: «Бу уй сизга мендан ҳадя!» Уста қотиб қолди. Нима қилиб қўйди? Кошки уй ўзиники бўлишини билганидайди шундай қурармиди?!

Хулоса

Биз ҳам шундай – кунма-кун ҳаётимизни қуриб борамиз. Аксарият пайтлар, қодир бўлиб, қувватимиз етгани ҳолда, амалларимизда ҳафсаласизлик қиламиз. Кейин эса қурган уйимизда ўзимиз яшашимизни билгач, пушаймон чекамиз. Ортга қайтишнинг имкони бўлсайди, асло бундай қилмасдик. Аммо, энг ёмони, орқага йўл йўқлигидир.

Демак, ҳар биримиз устамиз. Ҳар куни бир миҳ қоқамиз, бир девор тиклаймиз. Бугун қилаётган иш-ҳаракатларимиз, танловларимиз билан ўзимиз учун уй тиклаб борамиз. Яхши уйда яшашни истасак, ҳар қадамда диққатли бўлишга мажбурмиз.

Асло ситам кўрмагандек севинг!

Пулга эҳтиёжингиз йўқдек ишланг!

Манба: *islom.ziyouz.com*

«Ирфон» тақвимининг 2012 йил 3-сонидан олинди